




ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Ислам Каримов Фармонига биноан 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз пойтахтининг бош майдониغا Мустақиллик майдони номи берилган.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти Қарши туманининг Шойхўжа маҳалласида яшовчи ўғил-қизлар янги ўқув йилини янги бинода бошлади. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил инвестиция дастури тўғрисидаги қарори асосида қад ростлаган ушбу 21-мактаб 240 ўринга мўлжалланган. Таълим муассасасида ўқувчиларнинг пухта билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан Президентимизнинг 2014 йил 22 августдаги Фармонига мувофиқ Термиз шаҳрининг «Амир Темур» орден билан мукофотланганлиги муносабати билан «Шахрим — фахрим менинг» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Мустақиллик байрами шодиёналари давом этаётган шу кунларда Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» акционерлик жамиятига қарашли савдо павильонларининг ишга туширилиши вилоят аҳли учун тўйга яна бир тўёна бўлди. Бозорнинг савдо павильони «Меъмор» масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари томонидан қуриб битказилди.

● Урганчдаги «KNOREZM TESH» масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа ўзлаштирилди. Унга кўра кунига 2,2-2,5 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пайпоқлари ишлаб чиқарила бошланди. Натижада 20 та янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари корхона 468500 АҚШ долларилек инвестиция эвазига бир қанча янги турдаги махсус лотларни ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирмоқда.

● «Шовот шиша идишлари» масъулияти чекланган жамиятида 20 миллиард сўмлик инвестиция эвазига замонавий корхона қад ростламоқда. Ҳозирда бу ерда Италия, Россия, Германия давлатларидан келтирилган ускуналарни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлашга, йилига 20 миллион донна шиша идишлари тайёрланади. Кўшимча 50 та иш ўрни яратилади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Япония ҳукуматининг янги таркиби қасамёд қилди.

● Боснияда рўй берган зилзила натижасида ушбу мамлакатдаги кўмир қонида олти юз метр чуқурликда ўттиздан ортиқ қончилар қолиб кетган. Кон директорининг сўзларига қараганда, ер остидагилар билан алоқа мавжуд ва қутқарувчиларнинг келишигача уларнинг кислород билан таъминоти етарли даражададир.

● Япониядаги Киото музофотининг шимолӣ қисми ва Хёго музофоти маъмурлари тинимсиз жала кўйиши муносабати билан қирқ мингга яқин аҳолини хавфсиз жойга кўчириш тадбирларини кўришмоқда.

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК МАЙДОНИ

Ватан, она меҳри, тинчлик-тотувлик, ободлик, миллий ғурур, ҳурлик ва истикбол... Замирида инсон бахти, фаровон турмуши, порлоқ келажаги мужассам бу муқаддас тушунчаларнинг барчаси бир қутлуг масканд — Мустақиллик майдонида ўз ифодасини топган.

Азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Бу улғувор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз неъмат бўлмиш истиклолимиз рамзи. Ўз тақдирини ўз қўлига олиб, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидида эзгу ва бегубор орзулар ифодаси. Муаззам майдон юртдошларимиз, биринчи навбатда, навқирон авлодга мустақиллигимиз қандай буюк ва бебаҳо неъматлигини, уни қўз қорачигидек асраш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини аниқлаб турадиган муқаддас даргоҳдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигинда мустақиллик йилларида пойтахтимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, сўлим боғлар, кенг ва раvon йўللари, маҳабатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳар кўрғига кўрк бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдоннинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини хайратга солиди. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар охишта тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилланувчи фавворалар майдон хавосини мўтадил саклайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этади.

Бу ерда бугунги тинч ҳаёт, мусоффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай огир сино ва машаққатлар эвазига эришганимиз ҳаёдини ўтади. Собик мустақиллик тузум давридаги тилимиз, динимизга қилинган тажовузлар, улуг аждодларимизнинг муқаддас ҳоклари оёқости қилингани, миллий ғуруримиз, инсонлик шаънини, урф-одатларимиз топталгани... Ота-боболаримиз қалбига алам ва азоб солган ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш азиз неъматнинг, бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етишга қорлайди. Истиқлолнинг буюк моҳияти, саховатли заминимизда ашайидан ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчаси бўлганини янада теран англашга ундайди.

Мустақиллик майдонида муаззам Эзгулик парқога орқали кириб борилади. Арка тепасидаги арқозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўйга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақлар эса тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз тимсолдир. Арқанинг баланд ва

мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожини учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодаси. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўётганини ҳис қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз акс этган, фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, бегубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотиға бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамдир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлган, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотиға қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барбир ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Мамлакатимиз бош майдонида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотиға кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтирмоннинг ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида қуртақ ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амаллардандир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилганидан асосий мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-хаваслари, ҳаётининг мазмунини бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбияси, унинг бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуглаш, соғлом ва ахил оилани эъзозлашдир.

Майдоннинг кўрғига кўрк қўшиб турган ободадаги зарҳал Ер шарида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш уради. Ушбу тасвир Ватанимиз дунё ичра ягоналиги, унинг жаҳонда ўз ўрни, обрўси борлиги ва шухрати тобора юксалиб бораётганига ишорадир.

Халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этган, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу гуллар асосида шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилаётган мазкур мажмуага Юртбошимиз тақлифига биноан Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечимини, ғоявий-бадиий мазмунини билан Ўзбекистон талғани йўлнинг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зىбрат қилиш яхши анъанасига айланди. Юртимизга ташриф буюрган ҳорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этади.

...Мустақиллик майдони эртаю кеч гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тутиб келаётган келин-куёвлар, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайноқ навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида мушоҳадага чўмасиз.

Ёшлигим шу майдонга туташ Анҳор бўйларида ўтган, — дейди Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Салимаҳон ая Фафорова. — Бу ҳудуднинг асосий қисми асфальт ва бетон билан қоплангани боис, ёзининг жазирамасида нафас олиш огирлашарди. Истиқлол йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Яшил ҳудудлар кенгайтирилиб, каштан, қарагай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи дарахтлар, турли бута ва гуллар экилди. Тунда ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилланувчан кўркам фавворалар атрофга жило бағишлаб турибди.

Пойтахтимизга бундан беш йил аввал келган эдим, — дейди навоийлик фахрий педагог Бахридин Расулов. — Шу қисқа вақт оралиғида Тошкент бекиёс даражада ўзгарди. Гўзал бино ва иншоотлар, кўчаю хиёbonлар пойтахт чиройига чирой қўшибди. Айниқса, Мустақиллик майдонининг кўрку тароватини кўриб, юрагим ҳажонга тўлди. Юртбошимиз айтганидек, ҳеч қимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Ҳар сафар Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимда бу қутлуг масканининг кўз илғамас, сирли жиҳатларини кашф этгандек бўламан, — дейди Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шаҳноза Аширова. — Бу ерда халқимизнинг ўлмас тарихи, бугунги ва ёруғ келажаги намоён. Шу ҳақда уйлар эканман, Ўзбекистон аталмиш муқаддас дийр фарзанди эканимдан фахрланаман.

Мустақиллик майдони том маънода пойтахтимизнинг, юртимизнинг юрагига, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланган. Майдонда сайр қилиб юрганлар орасида чет элликлар ҳам кўп.

Бир неча йилдан бери Тошкентда яшайман, — дейди покистонлик тадбиркор Мухаммад Хорун Чоудри. — Туризм соҳасида ишлаганим учун касбим тақозосига кўра дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг халқни, Тошкентдек гўзал шаҳарни кўрмаганман. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ҳар бир иншоот ўзига хос чуқур рамзий маънога эгалиги билан ажралиб туради. Бу ердаги орасталик, файзу тароват ҳар доим меҳмонларни мафтун этиб келган.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбатлашманг, ана шундай самимий, дилкаш фикрларни эшитасиз. Зеро, пойтахтимиз Тошкент маданият ва маърифатнинг қадимий бешикларида бири, тинчлик ва дўстлик шахри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур.

Гўзал пойтахтимиз, унинг бош майдони — Мустақиллик майдони бетакор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажақ сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай улғувор ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!

УЛУГ АЛЛОМАЛАРГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси барча таълим масканларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Истиқлол йилларида бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, жаҳон илм-фани, маданияти ва маърифати равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий хазинасини чуқур ўрганиш, улардан ёшларни ватанпарвар, ҳар жиҳатдан қомил, фидойи шахслар этиб тарбиялашда кенг фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий юксалиш йўлидаги эзгу интилишлари, дунё цивилизацияси ривожига

бетимсол ҳисса қўшган улуг зотларнинг ҳаёт йўли, ибратли илмий, маърифий фаолияти, бутунжаҳон тараққиётига туртки берган кашфиётлари аниқ мисоллар ва далиллар ёрдамида кенг ва атрофлича шарҳлаб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб иқод этган буюк мутафаккирларнинг илмий меросини

чуқур ўрганиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришга бағишланган маърузаси «Мустақиллик дарслари»да катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Низоий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Одина Жамолиддинова. — Шу мақсадда университетимизда махсус режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, «Мустақиллик дарслари»ни олиб боровчи профессор-ўқитувчилар, мураббийларнинг билимини бойитиш учун барча факультетларда семинар-тренинглар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!

БУЮК МЕРОС ВА
ФАХР-ИФТИХОР
ТУЙҒУСИ

Бугун: «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» – деган савол ҳар бир ўзбекистонлики қизиқтириши – табиий. Чунки мустақиллик шарофати билан шунини тереан англадикки: «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам».

Ҳақиқатан ҳам, биз қандай буюк маънавий меросга эга эканимизни бугун бутун дунё билиб, тан олиб турибди.

Шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзuida бўлиб ўтган халқаро конференция ҳам бунини тўла исботлади. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан нуфузли олимлар иштирок этди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Шу йилнинг 31 август кунини пойтатимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанавий сўзланган табрик сўзида мухтарам Юртбошимиз яна бир қарра энг энгилмас куч — юксак маънавий эканини таъкидлаб, биз буюк мерос яратиб, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган халқ эканимизни уқтирди.

Бежиз эмаски, мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ўқув йилининг биринчи кунини ўтказилган мустақиллик дарсида айнан давлатимиз раҳбарининг ана шу икки чиқишининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтириб берилди.

Қаҳина меҳнат қилаётган Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти тингловчиларининг сентябрь ойида йиғилган гуруҳи биринчи соатларида ҳам мустақиллик дарси бўлди. Уни институт директорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Жавлон Якубов билан биргаликда ўтди. Бу гуруҳда Тошкент шаҳридаги академик лицейлар директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, ўқув бўлими бошликлари ҳам бор.

Маълумки, 9 йиллик умумий ўрта таълим мактабларини битирган барча ўқувчилар кейинги 3 йиллик мажбурий-ихтиёрий таълим босқичида тахсил олади. Академик лицейларда ўқувчиларга фан асослари, чуқур ўргатилади. Лицейда ўқитганлар келажда олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналиши бўйича ўқишга киришга тайёргарлик қўришади. Шунинг учун ҳам буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси раванқига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўлиқ тасаввурларга эга бўлиш лицей ўқувчилари учун алоҳида аҳамиятга эга.

Тингловчилар бевоқифа шу вазифани амалга оширишга масъул шахслар бўлгани учун ҳам мустақиллик дарси жуда қизиқарли ўтди. Биз тақдирот материалларидан унумли фойдаландик. Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Замахшарий, Мирзо Улуғбек ва бошқа улўғ алломаларимиз ҳаёти ва мероси билан боғлиқ 94 та слайд кўрсатилди.

Жаҳонда кучли ривожланган алгоритм қани айнан «Ал-Хоразмий» сўзидан келиб чиққан, бу олимиимизнинг ўли касрларни кашф этгани, Беруний ақл кучи билан Колумбдан беш аср олдин Америка қитъаси мавжудлигини тахмин қилиб кетгани, Фарғоний Мисрда Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган асбоб бунёд қилгани, Ибн Синонинг «Тиб қонунари» китоби ўрта асрларда Европада тиббёт бўйича энг асосий дарслик вазифасини ўтагани, Мирзо Улуғбекнинг астрономик жадвали бехатолиги билан ҳозиргача ҳаммани қўйил қолдириб келаятгани билан боғлиқ тақлиқлар савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бўлди. Чунки дарсида тингловчилар ҳам фаол иштирок этишди.

Мустақиллик дарси, буюк меросимиз билан ҳар қанча фахрланса, арзишини ёдга солиш билан бирга, барчамизни шу буюк боболаримиз эришган юксак маънавий даражаларга етишга ундади ҳам.

Акрам АКМАЛОВ,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти доценти,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

УЛУҒ АЛЛОМАЛАРГА МУНОСИБЛИК
МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз асарлари, нутқ ва маърузалари жамланган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзuida услубий қўлланма университет электрон кутубхонасининг маълумотлар базасига жойлаштирилди.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари илмий-маърифий меросининг бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгида гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти бежиз эмас. Бу ёшларни турли мафкуравий таҳдидлар, миллитимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан ишончли ҳимоялашнинг муҳим воситасидир. Шу мақсадда Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан тайёрланган маънавий-маърифий тарбия мавзuida 27 слайд тўплами университет сайтига жойлаштирилиб, профессор-ўқитувчилар зарур материаллар билан таъминланди.

«Мустақиллик дарслари»ни ташкил этишда маънавият тарғиботчилари, халқаро конференцияда иштирок этган олимлар, профессор-ўқитувчилар, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтилари: мутахас-

сисларидан иборат гуруҳлар шакллантирилгани маълумотларнинг янада қизиқарли, сермазмун ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарсларни ташкил этишда баҳс-мунозара, интерфаол савол-жавоб тарзидаги усуллар кўпроқ қўлланилаётгани таллабларнинг мавзуга оид барча маълумотларни катта қизиқиш билан ўрганиши, уларни ўзлаштиришига имкон яратмоқда, — дейди университетнинг фалсафа кафедраси ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Сирожия Валиева. — Бугун аудиторияларни тўлдириб ўтирган йигит-қизлар мустақиллик фарзандлари, дунёқараши ва тушунчалари истиқлол йилларида шаклланган ёшлардир. Собик мустабид тузум даврида халқ маънавиятига пўтур етказиш, унинг илдиизига, ўзлигига болта уриш мақсадида маданият, илмий меросимиз ерга урилган. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида маънавий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш, улўғ боболаримизнинг хоки ётган жойларини муқаддас қадамжоларга айлантириш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг номларини эъзозлаш, асарларини ўрганишга оид кенг қўламли ишларга қўл уришгани, бундай ёруғ, дорилмон кўнларига

минг машаққатлар эвазига эришилгани таъсирчан мисоллар ёрдамида атрофлича тушунтирилмоқда.

— Юртбошимизнинг маърузасини катта қизиқиш билан ўқигандим, — дейди университет талабаси Баҳодир Жалолов. — «Мустақиллик дарслари» жараёнида бугунги мураккаб глобаллашув даврида буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, уларга муносиб бўлиш нечоғли долзарб эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Йигирма биринчи аср — интеллектуал салоҳият, юксак технологиялар асри. Бунга фақат пўхта билим, буюк аждодларимиз меросини, илмий манбаларни пўхта ўзлаштириш орқали эришиш мўмкин. Бундай эзгу мақсадларга эришиш, юксак маънавиятга пўтур етказиш, унинг илдиизига, ўзлигига болта уриш мақсадида маданият, илмий меросимиз ерга урилган. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида маънавий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш, улўғ боболаримизнинг хоки ётган жойларини муқаддас қадамжоларга айлантириш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг номларини эъзозлаш, асарларини ўрганишга оид кенг қўламли ишларга қўл уришгани, бундай ёруғ, дорилмон кўнларига

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Янги ўқув йилининг илк кунинда барча таълим муассасаларида «Мустақиллик дарслари» ўтказилди.

Унда юртимизда мустақиллик шарофати билан амалга оширилган эзгу ишлар, эришилган ютуқлар ва Юртбошимизнинг ёшларга қаратаётган эътиборлари ҳақида сўз юритилди.

Мен Мустақиллик дарсини инглиз тилида олиб боришга аҳд қилдим. Ахир бугунги кўн ёшлари нафақат ўз она тили, балки жаҳон тиллари орасида етакчилик қилиб келаятган инглиз тилини ҳам пўхта ўрганиб, жаҳон майдонларига чиқишмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи «Мустақиллик дарслари»нинг асосий мавзуси бўлиб, мен маърузанинг асл моҳиятини ўқувчиларга инглиз тилида етказиб беришга ҳаракат қилдим.

«Мустақиллик дарси»да ўқувчилар миллий мадҳиямизни инглиз тилида қуйлаб, Мустақилликини мадҳ этувчи шеърлар айтишди. Буюк аждодларимиз Ибн Сино, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек каби мутафаккирларнинг намунали умр йўллари ва илм соҳасидаги амалга оширган бетимсол ишлари ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси нафақат ўз она тилимизда, балки инглиз тилида ҳам тилга олинаётгани ёшларда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган мавзуга доир саволларини инглиз тилида беришиб, дарс очик мулоқот тарзида жуда қизиқарли ўтди.

Зилола ХАЛИЛОВА,

Сергели туманидаги 264-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

НУРЛИ
МАНЗИЛЛАР
САРИ

Мустақиллик дарсида Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида янада кенгрок тушунчага эга бўлдик. «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзuida халқаро конференциянинг оламшумул аҳамияти, мазмун-моҳияти, жаннатмакон диёриимиз ва юртимиз алломаларининг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Нафақат менинг, балки барча тенгдошларимнинг қалбида фахр-ифтихор туйғулари жўш урди. Биз синфдошларимиз билан бир-биримизга «Буюк аждодларимизга муносиб фарзанд бўламиз!» дея сўз бердик. Чунки бугун буюк даҳоларимизнинг йўлини давом эттириш учун Юртбошимиз томонидан ўқиб, замонавий билим олишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ёшлар ана шу улкан имкониятлардан фойдаланиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўламиз ва ўзимиз кўзлаган нурли манзилларга аъло ўқишимиз ва интилишларимиз билан эришамиз.

Шахриёр МАЖИДОВ,

Учтепа туманидаги 296-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, кикбоксинг бўйича Тошкент шаҳар чемпиони

кор. 21 нафар мутахассис «Эҳтиром нишони» белгисига лойиқ деб топилди.

— Камтарона меҳнатим ушбу нишонга муносиб кўрилган мен учун катта шарофидир, — дейди ЎЗА муҳбирига «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Ш.Шамсиев. — Бундай рағбат жамиятимиз фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш йўлида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларга кўрсатилган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. «Эҳтиром нишони» бизни мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий шериклики мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида янада фаол меҳнат қилишга ундайди.

Тадбирда ижтимоий шериклик асосида ижтимоий ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самаралари, жамоалар ўртасидаги шартномаларни мустаҳкамлаш, касб-хунар коллежлари би-тирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича фикр алмашилди.

М.МАМЕТОВА

САМАРҚАНД —
НУФУЗЛИ АНЖУМАН
МЕЗБОНИ

Самарқанд шаҳрида 1-3 октябрь кунлари БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 1 августдаги фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган ушбу анжуманда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Африка қитъаларидан кўплаб олимлар, нуфузли халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этиши кўтилмоқда.

Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, мамлакатимизда туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг гўзал табиати, муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва файзли гўшалари дунё сайёҳларини тобора ўзига ром этмоқда. Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машхўр ўзбекона меҳмондўстлик, шунингдек, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қўлай имконият яратмоқда.

Бугунги кунда юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балик ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда. Тўққиз юздан зиёд сайёҳлик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаётгани Ўзбекистонга келаятган сайёҳлар сифининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратиши ва аҳоли фаровонлигининг изчил ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) 1993 йилда аъзо бўлган. Самарқандда мазкур ташкилотнинг Буюк Ипак йўлида сайёҳликини ривожлантириши мувофиқлаштириш бўйича минтақавий офиси фаолият юритмоқда. ЮНВТонинг 2011 йил октябр ойида Жанубий Кореяда ўтган Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу мақомга дунёнинг кам сонли давлатлари сазовор бўлган. Мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга аъзолиги доирасида ва халқаро майдонда тарихий-маданий меросимизни оммалаштириш, шунингдек, туризм индустриясини ривожлантириш мақсадида 2014 йилнинг октябр ойида Самарқандда ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсининг тобора ошиб бораётганидан ва мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистон сайёҳлик қўлами ва тарихий қадамжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Зотан, ҳақли равишда «Ер юзининг сайқали», «Шарқ ғавҳари» деб аталадиган қадимий ва ҳаммаш навқирон ушбу шаҳар азалдан жаҳоннинг илм-фан, савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб келган. Ўтган йиллар мобайнида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида шаҳарда кенг қўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Регистон, Амир Темур, Руҳобод мақбаралари, Шохи Зинда ёдгорлиғи, Хазрати Хизр ва Бибиҳоним масжидлари, Мирзо Улуғбек расадхонаси реконструкция қилинди. Улар атрофида кўркам боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Нафақат халқимиз, балки бутун инсоният бойлиғи ҳисобланган ушбу ёдгорликлар 2001 йили ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва шаҳар иқтисодиётини мустаҳкамлашда Самарқанднинг бой сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда бу ерда юздан зиёд сайёҳлик фирмаси ва юзга яқин меҳмонхона фаолият кўрсатаятир.

Халқаро анжуман жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сессия дунёнинг етакчи экспертлари жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги аҳоли ва истикболлари хусусида тажриба алмашши, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш, янги имкониятларни намойиш этиш имконини беради.

Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашилади, ҳамкорликини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Анжуманда кўп асрлик қадимий ва бетакрор шаҳарларимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, юртимизнинг фусункор табиати ва туризм инфра-тузилмаси ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ва видео-роликлар намойиш этилади. Сессия катнашчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий, илмий ва маданий обидалар, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишади.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг интернет тармоғидаги www.unwto.org манзилда мазкур халқаро анжуман ҳақида махсус саҳифа очилган.

Ирода. УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда меҳнат қилаётган фаол ва ташаббускор ходимларни «Эҳтиром нишони» белгиси билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вазирик ва идоралар вакиллари, иш берувчилар, тармок ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳоли манфаатларини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ушбу жараёнда мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Улар ишчи ва ходимларнинг манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шароит яратиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Эҳтиром нишони» белгисининг таъсис этилиши бунинг аққол тасдиғидир. Ўзининг фидокорона меҳ-

номзодлар махсус комиссия томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Мазкур комиссия, биринчи навбат-

ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР
ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

нати билан мамлакатимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшаётган, фаоллик ва жонбозлик кўрсатаётган, ижтимоий шериклик асосида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юқори натижаларга эришаётган турли соҳа вакиллари ушбу нишон билан тақдирланмоқда.

Жорий йилда 100 нафардан зиёд юртдошимиз ушбу нишон билан тақдирланишга тавсия этилган эди.

да, уларнинг ишчи-хизматчилар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, белгиланган вазифаларини самарали бажариш мақсадида меҳнат жамоасини сафарбар этиш борасида амалга ошираётган ишларига алоҳида эътибор қаратди.

Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар натижасига кўра, жорий йилда энг фаол ва ташаббус-

ХФТЛИК ТЕЛЕКАНАЛЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Замин гаройиботлари». Х/ф.
7.25 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
8.00 «Тахлинома».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Кўнгли қушиқ истади». Т/с.
10.00 «Тонгги газета». Т/с.
10.45 «Чангитингтоннинг қуноқ паровозчари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.25 «Кузнинг илоҳий жилвалари». Х/ф.
13.40 «Юрган – дарё».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Хидоят сари».
14.35 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон».
15.05 «Икким».
15.10 «Қишлоқ ҳаёти».
15.30 «Қушнинг сирли ҳаёти». Х/ф.
15.55 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эркин фикр».
17.20 «Икким».
17.25 «Агроолам».
17.40 «Қорчи».
18.00 «Қўнгли қушиқ истади».
18.15 «Икким».
18.20 «Эркин ва обод Ватан».
18.40 «Савдои изқувар». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».
20.50 «Истиқлол солномаси».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Қўнгли қушиқ истади».
22.30 «Сокин уй». Т/с.
23.10 – 23.35 «Замин гаройиботлари». Х/ф.
23.35 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «Ватанпарвар».
00.20 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон».
2.00 «Эркин ва обод Ватан».
2.10 «Икким».
2.20 ТелеТур: «Ўздинг азиз бўлдинг».
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
5.10 «Юрган – дарё».
5.30 – 5.55 «Қишлоқ ҳаёти».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Унутилмас оҳанглар».
6.40 «Мундо наво».
7.00 «Юрт келажиги».
7.10 «Мультианорама».
8.00 «Олтин даврим» /рус/.
8.50 «Ёшлар ҳаёти».
9.10 «Қалбим чечгани» /рус/.
10.00 «Камолот инфо».
10.10 «Фидойилар» /рус/.
10.50 «Афсона ва ҳақиқат».
11.00 «Кавингтон Кросс» /рус/.
12.50 «ЎзЕХ».
13.00 «Давр».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Замин гаройиботлари». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Эркин фикр».
9.40 «Агроолам».
10.00 «Тонгги газета» /рус/.
10.45 «Чангитингтоннинг қуноқ паровозчари» /рус/.
11.00 «Ахборот».
11.10 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Узинг илоҳий жилвалари». Х/ф.
13.45 «Кузнинг илоҳий жилвалари».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Аммажоним-аммажон».
15.05 «Кўнгли қушиқ истади».
15.30 «Чой» /рус/.
15.60 «Текор хабарлар».
16.10 «Бир жиннат изидан».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Қорчи».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Аёл ва замон».
17.30 «Қўнгли қушиқ истади».
17.50 «Тонгги газета» /рус/.
18.00 «Ахборот».
18.20 «Эркин ва обод Ватан».
18.40 «Савдои изқувар» /рус/.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
